


Козокбой Йўлдошев

Филология фанлари доктори, профессор.



Бошка адабиётшунос олимларимизни камситмаган ҳолатда шуни айтиш мумкинки, Козокбой Йўлдошевгагина хос бўлган: бадиийятни теран хис эта олиш, бадиий асар тахлилидаги холислик, жаррох аёвсизлиги ва юксак дид ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган, хавас килса арзийдиган истеъдоддир.

Гапларимга ишонмасангиз, куйидаги бахс -мунозарани кунт билан

ўкиб чикинг.

Холдор Вулкон



Холис эътироф эҳтиёжи

Козокбой-Йўлдош– Одамият жаннатдан кувилгандан бери ўзининг мохиятини ахтаради. Бу изланиш эса унга хаёт, завку шавк ва халоват беради. Инсон ўзини англаш йўлида кўп шарафли йўлларни босиб ўтди. Замон тили билан айтганда юксак тараккиётга, цивилизацияга эришди. Лекин... биласизми, инсоният муаммоларининг кўлами хечам ўзгаргани йўк. Аксинча, бу муаммолар асрдан-асрга улканлашиб, боши берк кўчага кириб бормокда. Келинг, кичгинагина бир мисол келтирамиз: тасаввур килинг, зарурат бўлса бугун экранда танамизнинг хар бир хужайрасини кузатиш, унинг устида тажриба ўтказиш ва хатто харакатланишини таъминлаш имкони бор. Лекин шу аппаратларга яраша касаллигимиз хам бор-да! Муаммо хақмон ўша: хасталикдан кутулиш! Инсоннинг муаммосини хал этолмаган “кулайлик” кандай килиб тараккиёт бўлади? Менинг назаримда, инсоният асли тараккиётдан куйига караб харакатланаётгандек.

Шу маънода айтадиган бўлсак, инсониятнинг бадий тафаккур тарзи хам асрдан-асрга саёзлашиб, гариблашиб, сийкалашиб бораётгандек. Ахир буюк Навоий Сўзининг кудратини беш асрдан бери шарх киламиз. Хазратнинг сўзи ўнлаб, юзлаб адабиётчиларни профессор килди. Лекин начора, бошка Навоий тугилмади.

Минг ваҳки, бадий тафаккурнинг саёзлашиши азалий ўзанларни ҳам ўзга томонларга буриб юбормокда. Аслида юксак хаёлот махсули адабиёт – инсоннинг хакир дунё ташвишларидан, шафкатсиз хаёт синовларидан ўтишида энг якин кўмакчи, сирдош ва маслахатчидир. Би-роқ XXI асрга келиб, том маънода адабиёт ҳам “ер”га тушди. Тирикчилик манбаига, турмуш дас-тёрига, гоъвий куролга ва хакозоларга айланиб бормокда.

Козокбой ака, бу тарзда адабиётнинг саёз-лашишида адабий танкидчиликнинг хиссаси кат-та десам муболага килмайманми? Чунки адабий танкидсиз адабиёт ривожланмайди. Адабий тан-кидчи, адабий яратувчи хамдир.

– Жавобни охирги икки гапингизга тўла кўши-лишимни айтишдан бошлаганим маъкулга ўхшайди. Аслида-ку, юкоридаги даъволарингизда анча ошириб юбораётганингизни ўзингиз хам билиб турибсиз. Сухбат сал кескинроқ бўлиши учун шундай журналис-тик усул кўллаяпсиз, шекилли. Илмий тараккиётнинг жуда шитоб билан бораётгани одам умрининг узайи-шида, бевакт ўлимнинг камайишида, бир одамнинг ўз умри давомида жуда кўп ишлар килиб колиш имконияти ошиб бораётганида кўриб-билиб турибмиз. Эхтимол, инсон маънавияти борасида таназзул кечаётгани хакида гапирилса, жўялидир.

Энди салкам олти асрдан буён бошка Навоий ту-гилмаганига келсак, бошка Навоий хеч қачон тугил-майди. Бунинг кераги хам йўқдир. Зеро, чин санъат ва чинакам санъаткор бетакрорлиги билан кадр-лидир. Бобур хам, сиз биладиган Машраб хам, Гафур Гулом хам, Абдулла Ориф хам хеч қачон кайтарилмайди.



Манба: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Ижод.Уз" сайти.

Сизнинг бадиий тафаккур саёзлашиб бораётгани борасидаги хавотирингизга ҳам кўшилиш жуда кийин. Негаки, хазрат Навоий Алишер Навоийни ўқимай ижод килган бўлса, ундан кейингилар Навоий бадииятидан бахра олиб улгайишяпти. Бунинг устига, хозирда очун кичрайиб, ахборот олиш осонлашиб, ўзга элларнинг бадиий тафаккуридан ҳам бахраманд бўлинмокда. Бу хол, сўзсиз, бадиий тафаккур теранлашувига хизмат килади.

Сизнинг адабиёт тўғрисидаги “...инсоннинг ...энг якин кўмакчи, сирдоши” деган фикрингизга тўла кўшиламан, лекин “маслахатчи”лиги борасида шубхам бор. Асл адабиёт, менимча, маслахат бермайди, йўл кўрсатмайди. У кўнгилни излайди, уни тафтиш килади, кўнгил холатларини билдиради. Шу йўл билан ўқирман кўнглига ҳам таъсир кўрсатади. Кўполрок килиб айтгудек бўлсак, одам тирикчилиги учун адабиёт мутлако кераксиз ходиса. Аммо шундай кераксиз нарсаки, усиз одам тўла маънода одам бўлолмайди. Инсон тирикчилиги учун бевосита керак бўлмаган нарсаларга интилгани сари одамлашиб бораверади. Озикланиш, чанковни босиш, ухлаш, кўпайиш учун кўшилиш каби тирикчиликка керак нарсани хайвон ҳам килади. Одам ана шулардан бошка юксакрок нарсаларга эҳтиёж сезганда, таннинг эмас, кўнгилнинг, рухнинг талабларини кондириш заруратини туйганда, гўзалликка интилиш махсули ўларок адабиёт керак бўлади. Шукурки, хозир ҳам одамларда шунга интилиш сезилади. Хаёт яхшиланавергани сари бу интилиши кучаяверади деб ўйлайман.

Адабиётнинг ўз кўкидан ерга тушиб, “тирикчилик манбаига, турмуш дастёрига, гоёвий қуролга” айланиб бораётгани борасидаги хавотирингизда, афсуски, жон бор. Оламдаги барча нарсанинг икки жихати бўлгани каби адабиёт ҳам бундан мустасно эмас. Одамзод ҳамма нарсани ўзига хизмат килдиргиси келади. Лекин бу муаммони ҳам бўрттириб юбормаган маъкул. Хозирги кунда ҳам гўзал бадиий асарлар кўплаб яратилаётганини ўзингиз биласиз.

Энди адабиётнинг саёзлашувига адабий танкид сабабчи деганга ўхшашрок фикрингизга келсак, унга кўшилмаслигимни айтай. Адабиёт саёзлашаётгани йўқ, аксинча, теранлашмокда. Олдинлари асарларда

кўпроқ кахрамонларнинг бошидан ўтган воқеалар тасвирланса, эндиликда одамнинг рухий тўлганишлари, кўнгил кечинмалари, сония сайин ўзгариб турадиган сезимлари ҳам кўрсатилаётирки, уни саёзлашиш деб бўлмайди. Лекин адабий танкид – синчилик кўнгилдагидай таъсир кучига эга бўлмаётгани бор гап. Ўзбек синчилиги ўзбек адабиётининг олдида боролмаяпти, хатто, ёнма-ён ҳам кетолмаяпти, ортидан бораётир. Аммо бадиий адабиётга етиб олай деб жуда халлослаб югураётгани ҳам йўқ. Чунки кечим ўз холига ташлаб кўйилган. Йўналтириш, рағбат йўқ даражада.

Бундан кейин бу ахвол янада огирлашса керак деб ўйлайман. Чунки келажакда синчиликка тайёрланиши зарур бўлган аспирантлар сони ўта кискартириб юборилди. Илмий даража учун ёкланадиган диссертациялар йўлига шундай тўсиклар кўйилганки, кўпчилик истеъдодларнинг уларни бартараф этишга кучи етмай қоляпти.

– Козокбой ака, мен цивилизацияни ёки унинг оламшумул имкониятларини рад этмокчи эмасман. Айтмокчи бўлганим: биз махлиё бўлаётган бу тараккиёт инсоният муаммоси кўламини камайтирмади, кўпайтирди, холос. Хазрат Навоийнинг кайта тугилмаслигини эса ҳамма яхши билади. Аммо бу улуг зотдек сўз санъаткорлари яна пайдо бўлса, бу адабиётимизга “огирлик” килмайди. Буни орзу қилиш ва бу истакнинг амалга ошмаётганидан ўқиниш ҳам яхшиликдан нишонадир.

Албатта, айтиб ўтганингиздек эндиликда адабиётнинг теранлашаётгани, инсон рухиятига қириб бораётгани бор гап. Аммо мен айтмокчи бўлган саёзлашув олдида бу “теранлашиш” андак қариб бўлиб қолаётгандек. Сизнинг бунга адабий танкиднинг кўнгилдагидай таъсир кучига эга бўлмаётганини сабаб қилиб кўрсатишингиз, адабий танкид соҳасини бир оз аяганингиздан дарак беради.

Менинг назаримда, сўнги йилларда жилд-жилд “Танланган” ва “Сайланган” асарларнинг пайдо бўлишига аслида адабий танкиднинг оқсаб қолгани сабабчидек туюлади. Эндиликда истаган одам роман ёзиши, шеър ёзиши, китоб чиқариши мумкин бўлиб қолди. Хатто, бундай тасодифий китобларга катта-катта “Сўзбоши”лар ҳам илова қилинмоқдаки, беихтиёр ўқиётганинг ростдан ҳам “асар” эканига ишонгинг келади. Минг афсуски, бу ҳолатга бизнинг тайёр жавобларимиз бор: хаммасини вақт кўрсатади! Вақтнинг кўрсатишини

кутиб ўтириш шартмикин? Ахир қачонгача адабий асарларни вақтга саралатамиз. Вақт асарларни саралагунча минглаб китобхоннинг бадиий диди нима бўлади?

Биринчи синфда ўқийдиган кизим бор. Яқинда деразадан ташқарига қараб: “Дада, ана, тентак қор ёғаяпти”, деди. Мен унга даққи бердим: “Кизим, қорни тентакка ўхшатиб бўлмайди”. “Бизнинг “Мусика” китобимизда шунақа шеър бор”, деди. Ишониб-ишонмай китобни варақладим:

Дехқонларга тилақ қор,
Пахтаойга қерақ қор.
Ғоҳо мени қувалаб.
Ўйга қамар тентак қор.

О-ла! Қайсидир бир кинода қахрамон айтади-қу: “Бу оламда нималар бўляпти ўзи?” Ақа, дарслиқда бундан баттарлари ҳам бор экан. Қолганини айтиб нима қилдиқ, шунисини “ҳазм” қилиб олайлиқ. Майли, бу тизмадаги дастлабки икки қаторни бир амаллаб тушунишга ҳаракат қиламиз, аммо одамни “қорнинг қувалаб қетиши”ни, “ўйга қамаб қўйиши”ни энг ҳаёлпараст бола ҳам тасаввур қилолмаса қерақ. Леқин бу бола ўзи тасаввур қилолмайдиған “шеър”ни қўшиқ қилиб айтишга маҳқум! Эҳтимол, “алдагани бола яхши”дир, леқин бу болалар ўзимизники-қу! Бундай муносабат билан уларни маънавий майиб қилиб қўймаймизми? Ахир болалиқ қўшиқлари бир умр инсоннинг қўнглига муҳрланиб қолади. Гап ёқмаса, бугун ўқиб эртага ташлаб юбориладиған қитоб ҳақида эмас, юз минглаб болаларнинг қўлидаги дарслиқ ҳақида қетяпти. Тагин қитобга нима деб ёзиб қўйибди, денг: “Тўлдирилған 10-нашри”! Яхшиям буниси тўлдирилған(!) экан. “Тўлдирилмаған”лари қанақа бўлған, Худо билади.

Қозокбой ақа, сиз адабий мақолаларингиздан бирида: “...муайян миллатнинг бадиий-эстетик тафакқури дарслиқлар ёрдамида шакллантирилади ва шунга мувофиқ бўлади”, – деб ёзған эдингиз. Модомики, масала шу қадар жиддий экан, бу борадаги лоқайдликни қандай тушуниш мумкин? Бунга бугунги адабий савиянинг

назоратсизлиги сабаб эмасми?

– Жуда назоратга хавасманд йигит экансиз-да, Алишербек! Тараккиёт юксалгани сари муаммоларнинг кўпайиши бор гап ва шундай бўлиши ҳам керак. Одамнинг аклий-маънавий савияси ўсгани сари унинг талаблари кўпайиб бораверади. Биласизки, талабнинг кўпайиши муаммони урчитади. Бизнинг кишлокда бир оксокол кимга бўлса ҳам: “Ташвишинг кўп бўлсин!” – деб дуо киларди. Ундан: “Ташвишнинг кўпини нима киламан?” – деб сўрасак, бобо: “Хаёти яхши, соглиги жойида одамнинг ташвиши кўп бўлади. Бахтсиз одамда ташвиш битта бўлади: касал бўлса, факат тузалиш, оч бўлса, факат тўйиш, камокда бўлса, факат озод бўлиш ташвишини чекади. Хаёти яхши одамнинг ташвишида санок бўлмайди”, – дердилар. Шунга ўхшаб муаммонинг кўплиги муаммо эмас, уларнинг ечилмаётгани муаммо. “Танланган асарлар” ва “Сайланмалар” кўпайиб кетишида мен унчалар кўрккулик жихат кўрмайман. Ёзувчи бўлмаган бирор одамнинг “Мукамал бадий асарлари” чикиб колишидан кўркса бўлади. Бу муаммога керагидан ортик эътибор каратиш кишини асл масаладан, яъни бадий асар мохиятини англатиш заруриятдан чалгитади. Ойдинларнинг иши миллат ахлини танлаб китоб босишга эмас, балки танлаб китоб ўқишга йўналтиришдан иборат.

Ёшларда бадий дид зўрлик ёки коровуллик билан эмас, табиий равишда шакллантирилиши керак. Адабий синчилар жанговаррок бўлиб, савияси паст асарларни “уриб” туришса, улар камрок яратилган бўларди деган фикр жуда жўн карашдир. Ижод эркинлиги истагандай ёзиш ва чикариш эркинлиги хамдир. Айни вақтда хар бир ўқирманда танлаб ўқиш хурлиги борлиги хам эсда туриши керак.

Сизнинг миллат ёшлари бадий дидини карор топтириши керак бўлган дарсликларнинг савияси тўгрисидаги куйинишингизда, минг афсуски, хакикат керагидан кўпрок. Сиз келтирган мисол жудаям кўр кинчлиси эмас. Исталган синфдаги кўпчилик ўкув фанларидан тайёрланган дарсликлар бундан кўра анча аянчли мисолларни келтириш имконини беради. Хакикат шундаки, миллат ахлининг бадий савияси дарсликлар савиясида бўлади. Чунки миллатнинг интеллектуал-маънавий киёфаси шу дарсликлар воқитида шакллантирилади. Бинобарин, дарсликлар нимага хизмат килиши кераклигини биладиган одамлар томонидан яратилиши лозим. Маълумки, адабиёт – ўкув фани,

ёзувчи-шоир тайёрлаш учун ўқиш тилмайди. Менимча, расм ва мусика каби сабақлар ҳам ёшларда рассомлик ёхуд кўшикчилик қобилиятини ҳосил қилиш учун эмас, балки уларда расм санъати ва мусикани тушунишга хизмат қиладиган дидни шакллантиришга йўналтирилиши зарур.

Дарсликлар тендер деб аталмиш усул асосида танланадиган бўлгач, умрида бировга бирор соат сабоқ бермаган одамлар ҳам дарслик ёзадиган бўлиб кетишди. Олдинлари ўқувлик ёзиш методист олимларнинг иши бўларди, эндиликда ишбилармонларнинг “бизнеси”га айланди. Бундайлар дарслик ёзишни қойил қилишмаса ҳам товарни тақдим этиш махоратини яхши эгаллаган бўлишади. Натижада, уларнинг дарслиги тендерда ютиб чиқади. Танловга бир нарса деб бўладими?

Энг ёмони, ўқитувчилар тобора дарсликларнинг яхши-ёмонини фарқламайдиган, уларнинг савиясига қизикмайдиган бўлиб қолишяпти. Улар нимани, қандай ўқитишни ўйлашдан кўра, адоги йўқ қогозлар оқими ичида чўкиб кетмаслик тўғрисида кўпроқ қайғурадиган ҳолатга келишди.

Академлицейлар ва коллежларнинг айрим босқичлари учун шу вақтга қадар “Адабиёт” дарслиги яратилмаганини қандай изохлаш мумкин? Лекин адабиёт сабоқлари ўтиляпти. XXI асрда, таълим учун триллионлаб маблаг сарфланаётган юртда адабиётсиз адабиёт ўқитилаётир.

Ахвол шу даражага етганки, адабиёт ҳафтасига уч соатдан ўқитиладиган тўққизинчи синф “Адабиёт” дарслигининг ҳажми адабиёт предмети ҳафтасига икки соат ўқитиладиган саккизинчи, еттинчи, олтинчи, борингки, ҳатто, бешинчи синф дарслигидан ҳам кичик. Бутун жамият маънавият учун қурашиш ҳаёт-мамот масаласи эканини тан олиб турган бир паллада битирувчи синф ўқувчилари адабиётдан маҳрум этилаётир. Тегишли мутахассислардан нега шундайлиги сўралса, ўрта мактаб дарсликларининг оғирлиги нормадан ортиқ бўлмаслиги керак деб жавоб беришади. Лекин тўққизинчи синфдаги ўспиринларга бешинчи синф ўқирларидан камроқ юк қўтариш белгиланган бундай мантиксиз нормани бартараф қиладиган бирор одам йўқ.

Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг адабиёт дастурларига

истисносиз хар йили ўзгариш киритилади. “Адабиёт” дарслиги журнал маколasi, мактаб тажриба майдони, ўқувчилар синалувчи объектлар эмаслигини таълим тизими мутасаддилари тушунгилари келмаётганга ўхшайди. Кечирасиз, адабий кечим ва адабий синчилик хакида гапираётиб, ўкитиш ташвишларига ўтиб кетдик. Начора, бу жуда мухим муаммо-да!

– Муаммо, таъбир жоиз бўлса хумда турган мусалласга ўхшайди. Мусаллас канча кўп вақт турса унинг таъсир кучи шунча ортади. У шунчалик ортадики, бир кун келиб хумни ёради. Бундан чиқадики, хар бир муаммо вақтида англаниши ва ўз вақтида хал этиш мақсадга мувофиқдир.

Козокбой ака, “...миллат ахлини... танлаб китоб ўқишга йўналтириш...” тадрижий таълим-тарбия махсулидир. Савиясиз ижод намуналари билан “озикланиб” улгайган болани танлаб китоб ўқишга йўналтириб бўлмайди. Шундай экан, кечирасизу, барибир яна ўша гапга келамиз: бу масалада том маънода адабиётшуносларимизнинг фидойилигига мухтожмиз.

Яқинда Кахрамон шоирларимиздан бири айтиб колди: Абдулла Каххор вафот этишидан сал аввалроқ ўзига яқин хамкасбларидан бирини чакириб: “Менга кара, менинг бу дунёда дўстим хам йўқ, душманим хам йўқ. Нима қилган бўлсам, адабиёт учун қилганман”, дебди. Ха, хар бир соха, жумладан, адабиёт хам ўзининг фидойилари билан бархаёт. Адабиётдаги фидойилик ХОЛИС эътирофдир.

Мен юкорида тасодифий китоблар ва уларга ёзилаётган катта-катта “Сўзбоши”лар хақ киде айтаётганимда, мана шу холис эътирофнинг йўклигини назарда тутган эдим. Бу иддаога кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Хатто, сизнинг ижодингиздан хам. Сўнги йилларда “Сўзбоши” ёзиб берган ўнлаб китобларингизнинг биридаги мана бу сатрларга ва унинг шархига диққат қиламиз:

Кирк бешга жимгина, ёлгиз, бенаво,
Хотиржам қиряпман, локайд, бепарво
Кирган каби худди кабрга...

“Кабрга кирадиган жасадгина ёлгиз, бенаво, лоқ кайд, бепарво бўлади. Кирк бешга кираётган одамқнинг шундай хусусиятларга эгаллиги улкан умр фожиасидан далолатдирки, уни тасаввур қилиш ва бу ҳақда бирор тўхтама келиш ўқирман шахснинг канқ чалик баландлигига боғлиқ”.

Айнан шу мисралар таъсирида яна шундай теран мулоҳазаларни баён қилгансизки, росқ ти, шахсан мен шеърдан эмас, сизнинг таҳқ лилингиздан кўпроқ таъсирландим. Айтгақнинқ гиздек, эҳтимол бу сатрларни тушуниш ҳар кимнинг “баланд” лигига боғлиқдир. Лекин бу мисралар мени хаяжонга эмас, ташвишга солди. Неғалигини айтайми?

Авалло, мени мутаассибликда айбламассиз деган умид билан айтмоқчиман: инсон зоти борки, кабрга хотиржам, бепарво ва лоқайд бўлиб қирмайди. Кабр – инсон учун энг кўп ташвишланадиган, энг кўп диққат бўладиган бир манзил! Бу манзилда ҳеч бир зот бепарво, лоқайд бўлолмайди. Биз бунга сидқидилдан ишонамиз ва шунинг учун ҳам мусулмонмиз. Менимча, бу сингари мисраларни фақат хиссиётга таянган ҳолда шарҳлаш унчалик тўғри эмас. Кўшимча маънолар ахтариш эса зўрма-зўракиликка ўҳқ шаб кўринади. Чунки бу мисраларга “объект” бўқ лақ ётган кабр масаласида хақиқат битта! У ҳеч қачон иккита бўлмайди. Бу ўринда сиз шарқ хингизда айтмоқчи бўлган “Рухий манзара...” ҳаққоний эмас.

Козокбой ака, адабиёт борасида сиз билан бахслашмоққа журъат қилолмаймиз ва бунга ҳатто маънавий хақимиз ҳам йўқ. Аммо бир истиҳолам бор: “фалон китобга Козокбой Йўлдошев сўзбоши ёзган экан” дейилса, адабий жамоатчилик дарҳол хушёр тортади. Чунки адабиёт майдонида сизнинг эътирофингизнинг ўз қиммати бор. Аксарият ижодқорлар сизнинг эътиборингизга тушишни исташади. Адабиёт ва адабиётшунослик борасидаги фикрларингиз ҳам бошқалардан фарқ қилишини биламиз. Аммо сўнги пайтларда бадий асарлар ва уларнинг ижодқорлари хақида фикр билдирганда, бир оз муболагага ва юзхотирликка берилаётгандексиз...

– Менда гурунгимизнинг шу вақтигача бўлган қисми мана шу гапларни айтишингизга тайёргарлик, менинг эҳтимни “ўлдириб”, эътирозларингизни билдиришга ҳозирликдай бўлиб туюлаётир ва ўз соддалигимдан нечанчи бор хижолат тортаётирман. Балки, адашаётгандирман, аммо менга бизнинг ўзбек ёппасига бир-бировини эшитишни истамайдиган улус бўлиб туюлаверади. Ўрисда: “Ҳеч қачон

хеч қачон дема”, – деганга ўхшаш нақл бор. Биз ҳамма нарсани дархол ё у ёқлик, ё бу ёқлик қилиб ташлагимиз келаверади. Мана, сиз ҳам хадеб: “Хар бир масаланинг хақиқати битта бўлади”, – деяпсиз. Нега энди битта бўларкан? Ўша масаладаги сиз топган битта хақиқат сизнинг хақиқатингиз. Лекин мен нега унга риоя қилишим керак? Мен бошқача хақиқатни топган бўлсам-у, у бировларга маъқул келмагани учун ўзгартирайинми? Хақиқат битта бўлади дегани, бутун миллатга битта бош етарли деганга ўхшаш гап. Хақиқатнинг битталигини факат Яратганнинг битталигига нисбатангина ишлатиш ўринли. Бошка хар қандай шароитда ўйлайдиган одам нечта бўлса, хақиқат ҳам ўшанча бўлади.

Сиз мен учун хижолат бўлган шеърий сатрлардан мен топган фазилатлар сизга ўтиришмаган бўлса, қарашларимдан воз кечайми ёки сизга таъсир қилишга уриниб кўрайми? Сизда Козокбой домла айтган бу гапларни “Сўзбоши” ёздирган шоирнинг ўзи ўргатган ёхуд уни мажбур қилган деган шубҳа борми? Шоир ёзганида мен айтганларни ўйлаганмикан ўзи? Бунга қафолат беролмайман. Лекин бир ўқирман сифатида шу сатрларда мен шу рухият мавжларини туйдим ва туйганимни туйганимдай ёздим.

Сиз: “...инсон зоти борқи, қабрга хотиржам, бепарво ва лоқайд бўлиб қирмайди”, – деб жуда тўғри айтасиз. Лекин сиз тирик одам хақида гапираётирсиз. Жасадга эса, жойида ётгани-ку тузук, лекин қаёққа олиб кетилаётганининг фарқи йўқ. Рухидан айро тушган жасад буни ўйлай олмайди. Шоира айнан ўлмай туриб, жасадга айланган, ёлғиз, бенаво, лоқайд холича умр манзилининг қирқ бешига етиб келган аёлнинг оғир бир рухий холатини манзаралаштирган.

Менинг адабиётдаги ўрним тўғрисидаги илиқ гапларингизга қуллук қилган холда сўзбошиларимнинг бирортаси учун хижолатлик эмаслигимни айтаман. Сиз айтганларга ўхшаш эътирозларни, синчи қасбдошларим-ку майли, хатто, сўзбоши олган баъзи ижодқорлар ҳам айтишади. Лекин эътирозларини ўзгалар хақида ёзилганларига қаратади, ўзларига эмас. Бизнинг адабиётимиз бошидаги улкан фожианинг илдизи айнан шу ерда, деб ўйлайман. Яъни бизнинг бировни тушунишни билмаганимиз бир сари, аммо тушунишни ҳам истамаганимиз, тушунтиришларини ёқтирмаганимиз дахшат. Тушунмаганимиз учун бир-биримизни билмаймиз, билмасдан туриб, тан олмаймиз, инкор қиламиз. Кейин: “Нега ўзбек адабиётини дунё танимайди?” – дея чин дилдан ўксиниб ҳам кўямиз. Биз ўзимизни

Ўзимиз туймасак, тушунмасак, тушунтирмасак, танимасак, ким бизни танийди? Кандай килиб ва нега таниши керак? Мисол учун, бизда Ўктамой деган шоирани кўпчилик билмайди. Билганларнинг бир қисми тан олгиси келмайди. Холбуки, кейинги тўрт-беш йилда Хиндистонда шу шоира кизнинг инглиз, панжоб ва хинд тилларида учта китоби кўп нусхада чикди. Хатто, адабиёт масалалари билан шугулланадиган Хиндистон Сахитя академияси Ўктамойнинг инглиз тилида чиккан китобининг юзочди (такдимот) маросимини ўтказиб, ўз хисобларидан шоирани таклиф ҳам килишди. Хозир шу шоира интернетга киритилган олтимиш уч минг дунё шоирлари орасида 50- ўринда турибди. Кўринадики, бизда бир-бирини тушуниш ва тан олиш деган муаммо ҳам бор...

Ўйлайсизки, мен калам чархлаб, енг шимариб ким янги китоб чиқарар экан-у унга қачон сўзбоши ёки такриз ёзиб берар эканман деб пойлаб турибман. Мен бир нарсани биламан: ҳар қандай одам тушунилгиси келади. Айниқса, ижодкор. Уни ижод қилишга ундаган нарса ҳам айнан бошқалар томонидан тушунилиш истаги эмасми?! Синчининг, умуман, адабиёт танувчиликнинг вазифаси ўқирманга ёзарман битигининг диккатга лойик жойларини кўрсатиб, нимадан, нима учун, қандай таъсирланишга йўналтириш деб ўйлайман. Ҳамма гап бадий асардан нима кидиришда, ундаги бор гўзаллик ва эзгуликни кўра ва кўрсата билишда. Мен ҳеч қачон, ҳеч бир ижодкорнинг ҳеч қайси асар тўғрисида ўзимча, кўкка қараб фикр айтмадим. Ҳамиша матнга, факат матнга таяндим ва ундан келиб чиқдим.

Ўйламанг, Ўлдошев домла ҳар қандай китобга сўзбоши ёки такриз ёза олади деб. Кўп бўлмасаям, ҳеч нарса ёзолмаган ҳолатларим бўлган. Лекин Қаҳҳор домла айтмоқчидек, тухумдан тук кидириб, ёзувчининг бошига чертиб мақола ёзолмайман. Қандай асар ҳақида ёзган бўлсам, уни яхши кўриб қолгач, ёзишга арзийдиган жихатларини топгачгина, калам сурганман.

Адабиётга фидойилик унинг дарвозасида таёк кўтариб сокчилик қилиш эмас, деб ўйлайман. Адабиёт сиёсатнинг югурдагига айланган, ўқирманлар савияси бошқарувга муҳтож даврларда сокчига эҳтиёж бўлган. Шунда ҳам юқоридаги бошқарувчилар учун. Энди бадий асар ва унинг ижодкорини тушуниш ва тушунтириш, асарни жозибали қилган жихатларга ўқирман диккатини қаратиш даври келди. Мен фидойиликни шу жаҳада кўраман. Хали дунё тажрибасида талантсиз

адибни танкид килиб, талантли килолган синчи ё ёзувчи бўлган эмас. Фидойилар кўп бўлган замонларда ҳам талантсизлар улардан камрок бўлмаган. Кейин адабиёт синчи ёки адабиёт танувчининг махрига тушган мулк эмас, у гўзаллик чечакзори. Сайр килгиси келган кишики бор, унга киргиси келади ва бунга ҳақдор.

– Козокбой ака, сиз бир оз кизишган мана шу нуктада мулоқотимизни хотималасак. Лекин ай тиб кўяй: сизнинг сўнгги мулоҳазаларингизга унчалик кўшилолмаيمان. Сиз “...негадир ўзбек ёппасига бир-бировини эшитишни истамайдиган улус бўлиб туюлаверади” деб жуда тўғри айтасиз. Мана сизни олайлик, баъзи бир шархларингизни озгина ноўринрок эмасмикин деб фикр билдирган эдик, дарров айблашга ўтиб кетдингиз. Чунки сиз ҳам эшитишни истамайдиган шу улуснинг типик вакилисиз-да!

– Типик-ку эмасман, аммо шу улуснинг вакили эканим чин. Бинобарин, унинг фазилату иллатлари менга ҳам бегона эмасдир. Лекин кизишмадим, балки фикримни кизгинрок исботламокчи бўлдим. Лекин мен ўзгаларда ўзгачарок фикр бўлишига асло қарши эмасман ва бошқачарок фикрлашни айб санамайман.

– Тўғри, айтганингиздек ҳар бир инсоннинг ўз хақиқати бор. Аммо бу ҳаётда инсоннинг ақл-заковати билан ўлчанмайдиган хақиқатлар ҳам бор-да. Инсоннинг шахсий дунёқараши даҳл килолмайдиган масалалар мавжуд. Қабр ана шундай масалалардан биридир. Бу масала ақида илмига хос бўлиб, аввало, шунга ўхшаган сўзларни ёки ўхшатишларни келтираётган ижодкор бу мухташам илмдан озгина хабардор бўлиши талаб этилади.

– Инсоннинг ақл-заковати билан ўлчанмайдиган хақиқатларга амал қилинмагани учун инсонларни айб лаш қанчалик ақлдан бўлади? Шоир бечора қабрни эмас, ўз кўнглининг ўлгани борасида ёз гирган.

– Шоир дўстларимиздан бири матбуотда эълон қилган шеърларидан бирида махбубасининг ҳаётида ўзини “парвардигорман” дебди. Яна бири махбубасини Расулни севгандек севишини иддао қилибди. Тўғри, бир қараганда ошиқ шоирларни тушунса бўладигандек, бироқ ҳар қандай муболагада мантиқ, ўхшатишда асос бўлиши керак. Афсуски, сўнгги пайтларда айрим ижодкорларимизнинг ижод намуналарида илохий атамаларни қўллаш урф бўлиб қолди. Бу ҳол масъулиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Сиз айтасизки, инсон зоти кабрга хотиржам киролмаслиги тўғри, лекин “...сиз тирик одам хакида гапираётирсиз. Жасадга эса, жойида ётгани-ку тузук, лекин каёкка олиб кетилаётганининг фарки йўк. ...Шоир эса айнан ўлмай туриб ўликка айланган, ...локайд ...рухий холатини манзаралаштирган”. Аввало, тирик билан ўлик учун бошка-бошка кабр бўлмайди. Хар икки холатда хам кўз олдимизда бир хил манзара хосил бўлади. Айнан шу бир хилликдан эса икки хил хулоса чиқариб бўлмайди. Колаверса, ўлик тан учун каёкка олиб кетилаётганининг жуда фарқи бор-да! Агар бу ҳақда гаплашсак, ўзимиз хам мукамал билмаган сохаларга ўтиб кетамиз.

– Тўғри айтасиз, ўзимиз билмаган сохаларга ўтиб кетмаганимиз маъкул. Алишербек, гап бахсда ютиб чиқишда эмас, балки халкка фойдаси тегадиган фикр га келишда. Шунинг учун хам менинг айтганларимдан ўлик ва тирикка бошка-бошка кабр бўлади деган маъно келиб чиққан бўлса, демак, мен фикрларимни тушунтириб беролмабман.

– Дархакикат, адабиётнинг миллат калби ва рухияти билан богликлиги хусусида, жамият хаётида адабиётнинг ўрни нечоғлик эканлиги хакида хамма замонларда бахслар, тортишувлар бўлган. Бундан бир неча йиллар мукаддам мархум адибимиз Шукур Холмирзаев “Адабиёт ўладими?” деган савол билан матбуот оркали сўз ахлига мурожаат қилганини яхши биламиз. Аммо адабиётнинг умри узун бўлишини, янаям тўғрироғи, бу умрнинг мангуликка дахлдор бўлишини истаган, хаётини шу мақсадга сафарбар этган инсонлар хоқи туробга айланди хамки, адабиёт яшашда давом этаётир ва яшаяжак. Аммо мана шу жараёнда адабий танқидчиликнинг хам ўз вазифаси борлигини унутмаслик керак. Бу вазифа эса китобхонга чинакам адабий асарларни саралаб беришда кўзга ташланади.

Сухбатдош: Алишер Назар

“Yoshlik” jurnali □ □ 1 (253) 2012 y.

